

*Лойҳа*

**МАКТАБГАЧА, УМУМИЙ ЎРТА ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМЛАРИДА МУСИҚА ТАЪЛИМНИНГ  
УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Тошкент – 2020**

## МУНДАРИЖА

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Мусиқа таълимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар
- 3-боб. Мусиқа таълимининг мақсади ва вазифалари
- 4-боб. Мусиқа таълимининг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш
- 5-боб. Мусиқа таълимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш
- 6-боб. Мусиқа маданияти фанини ўқитиш методологияси
- 7-боб. Концепцияни амалга ошириш механизми
- 8-боб. Яқуний қоидалар

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида Муסיқа маданияти фанини ўқитишни ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 28-декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон, 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция умумий ўрта таълим муассасаларида муסיқа маданияти фанини ўқитишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради. Жумладан:

таълим соҳасини ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим тажрибаси ва миллий хусусиятларни ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

муסיқа маданияти фани давлат таълим стандарти талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

муסיқа таълими бўйича мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларининг узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

муסיқа маданияти фани мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

муסיқа маданияти фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган муסיқий саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш;

мусиқа маданияти фанини ўқитишда вариатив ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;

ўқувчиларда санъатни севиш, эстетик маданиятни шакллантириш, маданий мерос ва миллий қадриятларга чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

ўқувчиларда мустақил, ижодий ва инновацион фикрлашни шакллантириш, ўзини-ўзи ривожлантириш қобилиятини таркиб топтириш.

мусиқа таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;

мусиқий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш;

мусиқа таълимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

мусиқа таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида **дуал** тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

мусиқа таълим жараёнида миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ёшларни касбий тайёргарлиги –яхши созанда, яхши хонанда малакаларини шакллантирган ҳолда битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;

## **2-боб. Мусиқа таълимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар**

### **Мактабгача таълим:**

Мусиқа таълими бўйича Мактабгача ва бошланғич таълим ўқув дастурлари ўзаро узвийлик мавжуд эмаслиги;

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг мусиқага оид тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўқув методик қўлланмалар яратилмаган;

Боланинг мусиқий таълимга оид тасаввурини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича замонавий ўқув-дидактик, кўргазмалар ва тарқатма материаллар етарли эмаслиги;

Мактабгача таълим ташкилотларида боланинг мусиқага оид тасаввурларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таълим-

тарбия жараёнини ташкил этишда қўшимча замонавий электрон таълим ресурсларининг (онлайн машғулотлар, видеороликлар, электрон дастурлар, в.ҳ) йўқлиги;

Мақтабгача таълим ташкилотларида таълим самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор ҳорижий тажрибаларни ўрганиш асосида ишларни тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги;

мақтабгача таълим ташкилотларининг малакали педагог кадрлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги;

илғор иш тажрибаларни ўрганиш, уларни оммалаштириш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаганлиги.

### **Умумий ўрта таълим:**

1. Ўзбекистонда санъат, маънавий, эстетик ва бадиий анъаналарни авлоддан-авлодларга етказиш, санъат асарларини идрок этишга ўргатиш орқали бадиий маданиятни ривожланиши, маънавий-интеллектуал саломатлигини асраш, ўқувчиларда соғлом дунёқарашни шакллантириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Муסיқа маданияти фани ўқувчиларда хотира, диққат, тасаввур, ҳаракатлар координацияси каби психологик фаолиятларни шакллантириш билан бирга бадиий ва эстетик дид сифатларни ривожлантиришга йўналтирилади.

2. Ушбу фанни ўқитишда узвийлик ва узлюксизликни таъминлаш орқали ўқувчиларда маданий қадриятларга асосланган ижодий ва шахсий фазилатлар шакллантирилиши лозим бўлсада, мазкур фан мазмуни ва ўқитилишида қуйидаги муаммолар мавжуд:

муסיқа маданияти фанида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, амалий фаолиятига етарлича вақт ажратилмаётганлиги ўқувчиларнинг индивидуал ижодий ривожланишини сусайтирмоқда;

ижодий эркинликни таъминлаш мақсадида амалиётчи ўқитувчилар томонидан ДТС асосида алтернатив дарсликларни яратилиши ва улардан тажриба синов тарзида фойдаланишни йўлга қўйиш;

айрим фанларга иқтисослаштирилган мактабларда муסיқа маданияти дарсларининг йиллик юкламаси 34 соатдан 17 соатга қисқарганлиги, ДТС талабларини тўлиқ бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

аксарият умумтаълим мактаблари муסיқа маданияти фани учун зарур бўлган жихозлар ва чолғулар билан жихозланмаган;

дарсликларда ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларда билишга қизиқиш, иштиёқ ва майлни ҳосил қиладиган ўйин ва машқлар, арт-технологиялар ўз аксини топмаган;

ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ишлаш, мазкур фан бўйича машғулотларни шахсга йўналтирилган таълим тамойилларига асосланиб ўқитиш йўлга қўйилмаган;

мазкур фанни ўқитишда илғор хорижий, жумладан, Жанубий Корея, Япония каби Осиёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ҳисобга олинмаган;

ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунида тизимлилик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилинмаган;

мавзуларда кетма-кетлик ва изчиллик ҳисобга олинмаган;

мавзуларни ўзлаштириш шахс ривожининг когнитив (билиш) соҳасига йўналтирилган бўлиб, креативлик, ижтимоий-эмотсионал ва шахсий фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилмайди;

мавзуларни ўзлаштириш учун асосан билимларни текширишга доир тест саволларидан фойдаланиш билан чекланилган;

мазкур фанларда ўқитиладиган мавзулар синфлар бўйича таҳлил қилинганда кўплаб мавзулар фанлар ва мавзулараро интеграллаштирилмаган;

дарсликдаги ўқув материаллари ўқувчиларни мусиқага доир билимлар билан қуроллантиришга хизмат қилиши мумкин, бироқ амалий кўникмалар, ижодий ва ижтимоий-эмотсионал компетенцияларни (фазилатлар) шакллантиришга имкон бермайди;

дарсликларда ўқувчиларни фаоллаштиришга доир савол ва ўқув топшириқлари берилган, бироқ, рефлексив, ўзини ўзи ривожлантириш ва баҳолаш таълим технологиялари, бадиий-эстетик таҳлилга асосланган ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятига мос ташхис воситаларидан самарали фойдаланлмаган.

мавзулар изчилликда тизимлаштирилмаган ва айрим жуда илмий атамалар қўлланилган.

### **Олий таълим:**

Кадрлар тайёрлаш масаласи нотўғри йўлга қўйилган. Мусиқий маълумотга эга бўлмаган абитуриетлар хужжатлари Олий таълимга қабул қилинмоқда

Ўқув режадаги дарс соатлари умумий билим беришга қаратилган бўлиб, мутахассислик фанлари бўйича яқка дасрлар берилмаган.

“Мусиқа маданияти” фани ўқитувчиларининг касбий малакаларини эгаллашларида уларда чолғу асбобларида ижрочилик бўйича қўшимча машғулотлар ўтказишнинг янги шакллари яратиш ҳамда такомиллаштириш вазифаларини бажаришни тақозо этади. Шунинг учун Олий таълим муассасаси шу масалани илмий томонидан тадқиқ қилиш ва ўқитишнинг инновацион технологиялари асосларини яратишни зарур деб билади.

- Республикамиздаги барча Педагогика университетлари: шу соҳага тайёрлайдиган кадрлар сифатини янада ошириш

- узлуксиз таълим тизимидага барча умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари иштирок этиши мумкин бўлган ҳамкорликдаги инновацион ижодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

- методик қўлланмалар ва йўриқномалар мажмуасини ишлаб чиқиш;

- етакчи мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишларини ташкил қилиш.

- Халқаро ва Республика миқёсида етакчи мутахассислар, олимлар ва амалиётчи педагоглар иштирокида ўзаро тажриба алмашишга йўналтирилган форумлар, фестиваллар, танловлар, маҳорат машғулоти, амалий видеокон-ференциялар, тренинглар ташкил қилиш.

### **Профессионал таълим тизимида**

таълим тизимлари ўртасида узвийлик таъминланмаганлиги меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатига таъсир этаётганлиги;

таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартлари жорий этилмаганлиги;

инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги;

таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги;

ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиги;

табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилмаганлиги;

халқаро таснифлагичнинг даражаларига мос келувчи таълим дастурлари ишлаб чиқилмаганлиги;

умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурларида узвийликнинг таъминланмаганлиги;

“Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касблар ва мутахассисликларни ўргатиш тизими мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикасида миллий квалификация тизими ва рамкасини, Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга эътибор қаратилмаганлиги.

### **Олий таълим тизимида**

Олий таълим муассасаларида мусиқа таълими йўналишида мавжуд бўлган кредит модуль шаклдаги таълим тизимида амалий машғулоти кўзда тутилганлигига қарамай ўқув режада яқка дарслар ўтилишига йўл қўйилмади. Бу эса бўлажак мусиқа тарбиячиларининг касбий тайёрлаш сифати бугунги кун талабларига мос келмаслиги, амалий фанларини ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос равишда янгилашни тақазо этмоқда.

Мусиқа таълими йўналиши бўйича илмий методик таъминот етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

Мусиқа таълимида мавжуд бўлган мусиқа чолғуларни муддати эскирганлиги ҳамда таъмир талаб ҳолатида эканлигини, моддий-

техника базаси эскирганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан қисман жиҳозланганлиги ;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, мусиқа таълими ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш ;

мусиқа таълими мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, педагогик;илмий-тадқиқот;маънавий-маърифий;ташкилий-бошқарувларида

муносиб ҳисса қўшадиган, халқ талими тизими ва МТТда ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими ни янада такомиллаштириш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига мусиқа таълимини ривожлантириш бўйича чора тadbирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ қилиш;

таълимнинг мактабгача талим ташкилотлари,халқ таълими тизими муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда узвийлигини таъминлаш;

ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларни такомиллаштириш;

### **3-боб. Мусиқа таълимининг мақсади ва вазифалари**

3.1. Мусиқа маданияти фанининг мақсади – ўқувчиларда санъат, бадий-эстетик ва ижтимоий-эмотсионал кўникмалар, миллий, умуммаданий қадриятларга асосланган шахсий фазилатлар, амалий кўникмаларни ривожлантиришдир.

3.2. Мусиқа маданияти фанининг вазифалари:

#### **Мактабгача таълим:**

- болаларни ақлий ривожлантириш;
- болаларнинг ақлий фаолиятини шакллантириш;
- болаларда мусиқий асарига ҳиссий муносабат билдиришни, оҳангга мос равишда турли ҳаракатларни ўйлаб топишни, мусиқий услубларни ажрата билишни, асарнинг характерини аниқлашни, якка ва жамоавий тарзда қўшиқлар куйлашни, рақс ҳаракатларининг ва ўйинчоқ ва мусиқий чолғуларни якка ёки жамоа бўлиб ижро этиш ҳақидаги элементар тушунчаларни ўргатиш, ижодий ва мантиқий тафаккурини ўстириш лозим.

#### **Умумий ўрта таълим:**

мусиқий хотира, диққат, тасаввур, ҳаракатлар координацияси каби психологик фаолиятларни шакллантириш, бадий ва мусиқий дидни ривожлантириш;



Ўзбек ва жаҳон композиторлари асарларини тинглаб, идрок этишга ўргатиш, куй оҳангини, ифода воситаларини хис қилиш;

муסיқа саводига оид назарий билим (калит сўзлар)ларни билиш ва амалда қўллаш;

куй ва қўшиқларни тинглаш орқали тузилиши, жанр (оммавий ва профессионал) жиҳатларини бир-биридан ажрата олиш кўникмаларини шакллантириш;

муסיқа маданияти фанининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

вокал-жамоа бўлиб куйлаш малакаларини ривожлантириш: халқ оғзаки ижодининг профессионал жанри, миллий мақом ижрочилик санъатининг маҳаллий услублари ҳақидаги бошланғич билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

муסיқа маданияти фанининг илмий методик таъминотини ривожлантириш;

муסיқа маданияти фанининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

малака талабларини, шунингдек янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

фаннинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **4-боб. Муסיқа таълимининг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш**

##### **Мақтабгача таълим:**

Тарбияланувчиларда умумий компетенцияларни шакллантириш:

Ўйин компетенцияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланишни;

Ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳоратини ;

Билиш компетенцияси – атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш.

##### **Умумий ўрта ва Олий таълимда:**

4.1. Муסיқа маданияти фанининг илмий методик таъминотини ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида муסיқа маданияти фани бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш;

мусиқа маданияти фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

таянч ўқув режага мувофиқ musiқа маданияти фанининг синфлар ва мавзулар бўйича ҳажми, мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги ва шакллантириладиган компетенциялари асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

мусиқа маданияти фани бўйича синфлар кесимида ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мултимедиали иловаси) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

мусиқа маданияти фанининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

4.2. Мусиқа маданияти фани бўйича синфлар кесимида ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

ўқув-методик мажмуалар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилганлиги;

ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги;

ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганлиги;

умумий ўрта таълимнинг зарур ҳажми берилганлиги, ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

4.3. Ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга қўйидагича талаблар қўйилади:

*а) дидактик талаблар:*

ўқувчи томонидан ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

расмлар кўринишидаги иллюстратсиялар: схемалар, жадваллар, диаграммалар ва фотосуратлар билан безатилган бўлиши;

янги тушунчалар, атамалар, қоидалар, таърифлар ва шу кабилар луғат кўринишида ифодаланган бўлиши лозим.

*б) илмий-методик талаблар:*

фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши;

ўқув фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги таъминланган бўлиши;

ўқув фани мавзулари ўзбек адабий тили қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ва раво тилда баён қилиниши;

манتيқий кетма-кетликка ва изчилликка амал қилиниши;

миллий ғоя ва Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстратсиялар билан бойитилиши;

савол ва топшириқлар аниқ ифодаланган бўлиши;  
бир тушунчанинг икки хил атама билан ифодаланишига,  
саналарни келтиришда мавҳумликка йўл қўйилмаслиги;

*в) педагогик-психологик талаблар:*

кенг жамоатчилик томонидан тан олинган илмий асосланган маълумотлар, ўқувчиларнинг билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятлари, тафаккури ҳисобга олинган ҳолда воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ва амалий қизиқишларини ривожлантиришга, билим олишга ва амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув фани мавзуларининг ўқувчи ёши ва психофизиологик хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум фактлар, тушунчалар, қоидалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш қобилиятлари, олдин олган билимларини ўзлаштирганлик даражаси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

*г) эстетик талаблар:*

имкон даражасида ёрқин, рангли, қизиқарли ва чиройли бўлиши;  
матнлар ўқувчига маълум ижобий ҳиссий таъсирларни ўтказиши ва ўқув фанига қизиқиш уйғотиши;

бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши, мутаносиблиги таъминланиши;

расм ва тасвирлар бадиий эстетик талабларга жавоб бериши, аниқ ва тиниқ ифодаланиши лозим.

*д) гигиеник талаблар:*

матн ва иллюстратсиялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

ҳарфларнинг катталиги ва қоғознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оқлиги ва шаффофлиги) меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим.

## **5-боб. Мусиқа таълимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш**

Мусиқа таълимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қуйидагилар амалга ошириш лозим:

**Мақтабгача таълим тизимида.**

Ўқув-методик ҳамда дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, мебель, компьютер техникаси, ўйинчоқ, болалар ва катталар учун мўлжалланган мусиқий чолғулар билан таъминлаш;

**Умумий ўрта ва Олий таълимда**

“Замонавий мактаб” давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда

янги турдаги замонавий ўқув хоналарини барпо этиш ва муқаддам қурилган ўқув хоналарини замонавий мактаб намунасига мослаштиришни таъминлаш;

ўқув хоналарини жиҳозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув ускуналари (муסיқий чолғулар, доскалар, замонавий хор станоклар) билан таъминлаш;

## **6-боб. Муסיқа маданияти фанини ўқитиш методологияси**

6.1. Муסיқа маданияти фанини ўқитишнинг асосий тамойиллари:

Муסיқа маданияти фанининг аниқ мақсадга қаратилганлиги; илмийлик (ҳар бир ўқув-тарбиявий жараён элементларининг пухта асосланганлиги, самарадорликнинг амалий фаолият натижалари асосида баҳоланиши);

педагогик ва технологик шарт-шароитнинг таъминланганлиги (кўзда тутилган натижага эришишни тизимли амалга ошириш);

узвийлик, узлуксизлик (ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар негизда янги билим, амалий кўникма, малакаларни шакллантириб бориш, уларнинг навбатдаги босқич учун асос бўлишига эришиш);

индивидуал ёндашув (ҳар бир ўқувчининг шахси билан яқиндан танишиш, унинг характери, эҳтиёжлари, ҳаётий тажрибаси, шахсий сифатларини ўрганиш ва уларга таяниб иш кўриш);

ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ижобий фазилатларга таяниш (мавжуд ижобий қобилият ва фазилатлар негизда янги сифатларни ривожлантириш, салбий иллатларни бартараф этиб бориш);

ўқув-тарбия жараёнининг динамик хусусиятга эгаллиги (шакллантириладиган қобилият ва фазилат тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиш – тушунчани ҳосил қилиш – билимга эга бўлиш – кўникманинг шаклланишига эришиш – малакани ҳосил қилиш – одатнинг шаклланишига эришиш – муайян маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик фазилат ва амалий кўникмаларнинг мавжуд даражаси);

ўқувчиларнинг ёш, педагогик-психологик, миллий ва шахсий хусусиятларини инобатга олиш;

таълим ва тарбия бирлиги;

яхлит ёндашув (ўқув-тарбия жараёнига масъул субъектлар томонидан таълимий мақсаднинг бир хил тушунилиши);

педагогик ҳамкорлик (ўқув-тарбия жараёни субъектлари – оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш ва уни мустаҳкамлаш).

6.2. Муסיқа маданияти фани бўйича ўқувчилар фаолияти натижаларига қўйиладиган талаблар:

Эстетик маданият ва ижодкорлик компетенцияси: гўзаллик ва санъатни идрок этиш; мустақил ишлашга ижодий ёндашиб, креатив фикрлаш; якка ва жамоа билан ҳамкорликда ижодий фаолият юритиш;

ижодий фаолиятини тўғри режалаштириб, эришилган натижасини танқидий баҳолаш ва ўз меҳнатидан завқлана олиш; муаммолар ечимига муқобил ёндашиш ва тўғри қорор қабул қила олиш; меҳнатсеварлик, масъулиятлилик ҳамда ишчанлик, фаоллик сифатларини шакллантириш; мантиқий фикрлаш, ғояларни амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш;

Ўз-ўзини ривожлантириш ва асраш компетенцияси: мантиқий фикрлашни ривожлантирадиган ўйинлар орқали интеллектини ривожлантириш; нафас олиш тизимини тўғри ташкил қилиш ва овоз аппарати фаолиятини тўғри қўйишга риоя қилиш

Амалий фаолиятни ривожлантириш компетенцияси: ўз имкониятларини тўғри баҳолаш, фаолиятини оқилона режалаштириш; муаммони ечимини топишда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш; фаолиятининг барқарорлиги ва ўзининг фаровонлигини таъминлай олиш; фаолиятини танқидий баҳолаш, уни яхшилаш учун ўз устида ишлаш; ўз фалоятини техник ва технологик тараққиёт ўзгаришларига мослаштира олиш; жамоада ҳамкорликда ишлаш; касб тури ва фаолияти йўналишини онгли ҳамда мустақил равишда танлаш; амалий кўникмаларини ўзи ва жамиятни барқарор ривожлантиришга сафарбар қилиш кўникмаларини таркиб топтиришни назарда тутати.

6.3. Мусиқа маданияти фани дарсларини ўтказиш жараёни ўқитишнинг илғор методикалари, мактаб, оила ва маданий муассалаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Ўқувчилар билан оилада, дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш методикаси;

оила, синф ва мактабдаги ўқув фаолияти натижаларини интеграл диагностика қилиш;

миллий педагогик меросдан самарали фойдаланиш, инновацион таълим технологияларни амалда қўллаш билиш малакаларига эга бўлиш;

мазкур фанлар дарсларида ҳамкорлик педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш;

ўқувчилар фаолияти натижаларини баҳолаш, таҳлил этиш ва прогнозлаш;

дарсларда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, билим даражаси, дунёқараши, қизиқишлари, қобилиятлари, мотиватсия ва руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш;

креатив, илғор педагогик технологиялари ва ўқитиш методларидан фойдаланиш орқали фаннинг мақсадига ва ўқитишда натижавийлигига эришиш.

6.4. Мусиқа маданияти фани бўйича ўқув дастурлари малака талаблари ва илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

6.5. Муסיқа маданияти фани бўйича дарсликларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар:

барча параграфларда мавзуга мос матн, иллюстратсиялар, саволлар, топшириқлар ва машқлар бўлиши. Улар турли тузилиш ва мураккаблик даражасига эга бўлиши;

саволлар билимларни ривожлантириши, янги мавзунини ўрганиш учун зарур бўлган мавжуд фаолият тажрибасига асосланиши;

тинглаш фаолияти учун берилган куй қўшиқлар ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларига ва берилаётган мавзуга мос бўлиши лозим.

Жамоа бўлиб кейлаш фаолияти учун танланган репертулар ўқувчиларнинг овоз диапазони ва уларнинг ички имкониятларини ривожлантириш билан бирга уларда ватанпарварлик, садоқат, дўстлик хиссиётларини тарбиялаши лозим.

мустақил бажариш учун саволлар, топшириқлар, ижодий, амалий-ўналтирилган топшириқларнинг тақдим этилиши;

тақдим этилган фотосурат, расм, ва бошқа турли иллюстратсияларга мос савол ва нота топшириқлари матнда изоҳлар билан бирга берилиши;

ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўрганишга қизиқтирувчи топшириқ ва саволларнинг (ўқув топшириқлари мазмуни, бажариш тартиби, кутиладиган натижа) аниқлиги;

матн сарлавҳаси, асосий фикрлар ва тушунчаларни ажратиб кўрсатиш, асосий ахборотларни ўзлаштиришга методик ёрдам кўрсатиш;

ҳар бир мавзудаги “уй вазифаси” қисмига тушунтиришлар бериш; ўқувчиларнинг қўшимча маълумот олиши учун манбалар рўйхатини тақдим этиш;

рақамли техногияларга асосланган электрон ахборот таълим ресурслари, дарсликнинг электрон (мобил) иловасини ишлаб чиқиш; изоҳли луғат (глоссарий) мавжуд бўлиши лозим.

## **7-боб. Концепцияни амалга ошириш механизми**

Вазирлик ва идоралар, муассасалар, давлат ҳамда нодавлат қорхона ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Муסיқа маданияти фани Концепциясини амалга ошириш тизимини ташкил этади.

Концепцияни амалга ошириш механизми қуйидаги асосий чора-тадбирларни назарда тутди:

### **Мақтабгача таълим тизимида.**

Муסיқий таълим тизими бўйича ўқитишнинг концептуал асослари сифатида муסיқа машғулотини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

-элементар муסיқа назарияси бўйича Мақтабгача ва бошланғич таълим ўқув дастурларини мувофиқлаштириш;

-болаларнинг элементар мусиқага оид тасаввурларини ривожлантириш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш;

-“Илк қадам” ва “Илм йўли” ўқув дастурлари доирасида “элементар мусиқа” бўйича онлайн-машғулотлар базасини яратиш ва оммалаштириш;

Мактабгача таълим тизимидаги малака ошириш курсларида машғулот олиб боровчи ўқитувчиларга болаларнинг элементар мусиқага оид тасаввурларини ривожлантириш бўйича замонавий педагогик технологияларни ўргатиш;

#### **Умумий ўрға таълим ва Олий таълимда:**

таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишларини мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар талаблари даражасига кўтариш;

Мусиқа маданияти фанини ўқитиш бўйича ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва шахсий фазилатлари, педагогик маданиятини ошириш, ўқувчиларда бадиий-эстетик, маънавий-ахлоқий тарбия ва жисмоний комиллика интилиш сифатларини таркиб топтиришни барчанинг вазифасига айлантириш;

Ўқув-тарбия жараёнини жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялар ва ўқитиш методикаси асосида мунтазам такомиллаштириб бориш;

Ўқув-тарбия мазмунини реал ҳаёт, ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари билан боғлаш, таълим ва тарбиянинг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, ўқувчилар қобилиятларини ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

ижодий тадбирлари бўйича ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қўшиқлар ва маданий-маърифий аниматсиялар, буклетларни яратиш;

мазкур фанни ўқитишдаги муаммоларни бартараф этиш, ўқитишни такомиллаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи олимларини таклиф этган ҳолда республика ва халқаро конференциялар, форум ва семинарлар ўтказиш;

ўқув-тарбия жараёнининг мунтазам илмий-педагогик мониторингини олиб бориш ва бунда ИТ технологияларидан самарали фойдаланиш;

ота-оналар, педагоглар, болалар, ёшлар учун турли расмлар билан безатилган ёрқин, ранг-баранг қўлланмалар, мултимедиа маҳсулотлар каби дидактик материаллар туркумини яратиш.

### **8-боб. Якуний қоидалар**

5.1. Мусиқа маданияти фани бўйича ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатлар мазкур Концепцияда белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

5.2. Концепцияни амалиётга жорий этиш таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, муассасалар, давлат ҳамда нодавлат корхона ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик билан ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилади.

ДОИМХА